



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2025 йил 10 сентябрь, № 187 (9082)

Чоршанба

Сайтимидаги ўқиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТАЪЛИМНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ ВА ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — АСОСИЙ МАҚСАД

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 9 сентябрь куни мактабгача таълим ва мактаб таълими соҳасидаги ислохотлар ижроси ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакат келажаги, иқтисодиёт ривожини аввало, билимли авлодга боғлиқ. Шу мақсадда юртимизда боғча ва мактаблар қуриш, замонавий ўқув дастурларини қўллаш, таълим сифатини ошириш бўйича кўп ишлар қилинмоқда.

Ўқитувчиларнинг ойлик маошига ўндан ортиқ устамалар жорий қилинди. Бугун ўз устида ишлаган 60 мингдан ортиқ педагоглар 10 — 12 миллион сўм миқдорда маош оляпти. Янги баҳолаш тизими бўйича ижобий натижа кўрсатган 300 та мактабнинг бутун жамоаси 40 фоизгача устама олмақда. Шу ойдан бошлаб мактаб директорлари, боғча мудирлари ва уларнинг ўринбосарлари ойлиги ҳам 10 миллион сўмдан ошди.

Ил бошидан буюн халқаро фан олимпиадаларида юртимиз ўғил-қизлари 195 та медални қўлга киритган. Хорижий тил эгалари жалб қилинган мингдан зиёд мактабларда тил бўйича сертификат олган ўқувчилар сони бир йилда 2,5 баробар кўпайган.

Йиғилишда соҳадаги ислохотларни давом эттириб, таълимнинг барча йўналишларида катта ўзгариш қилиш зарурлиги таъкидланди.

Бу йил мактабгача таълимда ўринлар сонини 182 мингтага кўпайтириш режалаштирилган. Уларнинг 82 мингтаси янги боғчалар ҳиссасига тўри келади. Қолган 100 минг ўрин эски боғчаларни таъмирлаш орқали ҳамда ху-

сусий сектор иштирокида ташкил этилади.

Бунинг учун мактабгача таълим қамрови 80 фоиздан паст бўлган туман ва шаҳарларда бўш ерлар аукционга чиқарилади. Уларда давлат-хусусий шериклик асосида боғчалар қуриш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқилади. Бундай муассасаларга субсидия бериш, тарбиячилар маошини қисман қоплаш тартиби жорий қилинади.

Янги бино, яхши шароитга яраша боғча ходимларининг салоҳияти ҳам юқори бўлиши керак. Ёз мавсумида 118 минг нафар тарбиячиларнинг малакаси оширилди. Лекин бу етарли эмас. Давлат боғчаларидаги тарбиячиларнинг 38 фоизи, хусусийларида эса 24 фоизи олий маълумотли.

Шу боис янги ўқув йилидан ўрта махсус маълумотли тарбиячилар учун беш кун ишлаб, бир кун ўқийдиган бакалавр таълим шакли жорий қилинади. Бу тизим орқали боғчаларга ҳар йили қарийб 10 минг олий маълумотли мутахассис кириб келади.

Келаси йили ҳар бир вилоятда боғча тарбиячиларининг педагогик маҳоратини оширишга методик кўмаклашувчи «Янги авлод» боғчалари барпо қилинади.

Йиғилишда мактаб таълимидаги шароит билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Сўнгги уч йилда иқтидорли ўқувчилар учун 201 та иқтисослаштирилган мактаб ташкил қилинган.

Лекин 12 тасида қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳали якунланмаган.

Олис ҳудудлардаги 74 минг ўқувчи мактабга 5 — 7 километрдан катнашга мажбур. Қашқадарё ва Сурхондарёдаги 100 та мактабга бепул автобус қўйилган. Бу зарурат бошқа вилоятларда ҳам илгари сурилмоқда.

Ўтган йилдан бошлаб 1-синфларда информатика дарс соатлари йўлга қўйилди. Кейинги ўқув йилидан юқори синфларга сунъий интеллект бўйича дарслар киритилади. Бунинг учун 2 мингта синф хонаси компьютер ва интерактив доскалар билан таъминланади.

Иқтидорли ёшларга шароит яратиш учун вилоятларда ахборот технологиялари иқтисослаштирилган Ал-Хоразмий, муҳандислик бўйича Мирзо Улуғбек, табиий фанлар йўналишида Ибн Сино мактаблари филиаллари ташкил этилади. Улар ҳудудлардаги техника олий ўқув юртига бириктирилади. Яхши натижага эришган битирувчилар мазкур мактабларнинг 2-курсига қабул қилинади.

Кейинги йил Ўзбекистонда илк бор мактаб ўқувчилари ўртасида энг нуфузли 2 та — халқаро кимё ва информатика олимпиадалари бўлиб ўтади.

Мутасаддиларга бу тадбирларни ўтказиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда ёшлар тарбияси ва бандлиги масалаларига ҳам алоҳида эътибор қaratилди. Қайд этилганидек, энди ёш то-

ифалари бўйича миллий тарбия модели яратилади. Бу орқали болалар замонавий компетенцияга эга мутахассис, миллий қадриятларга содиқ инсон бўлиб тарбияланади.

Болалар контентини ривожлантириш маркази, Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти томонидан ҳафталик мавзуларидан келиб чиқиб, қизиқарли видеороликлар яратилиб, «Миллий тарбия» платформасига жойлаштириб борилади.

Ёшларнинг қобилиятини юзага чиқариш, уларни ҳар томонлама шакллантиришда мактабдан ташқари таълим ва спортнинг аҳамияти катта. Шу боис ушбу тизимни янги босқичга олиб чиқиш, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш бўйича Президент қарори имзоланди.

Қарорга кўра, жойлардаги 219 та «Баркамол авлод» мактаби, «Ёшлик» спорт жамияти, ўқувчи ёшлар маркази ва Ўзбекистон болалар ташкилоти негизда республика, ҳудуд ва туманларда «Келажак» марказлари ташкил этилади. Мазкур марказлар мактаблар билан узвийликни жонлантириб, ўқувчиларни муҳандислик, илм-фан, маданият, санъат, китобхонлик, спорт ва экология йўналишлари бўйича тўғрақларга жалб қилади.

Бунинг учун ҳар бир ўрта мактабда маслаҳатчи лавозини жорий этилади. Улар ўқувчиларнинг қобилияти ва қизиқишига қараб, тил,

касб, муҳандислик, ижод, санъат ва спорт тўғрақларини ташкил қилади. Ушбу тўғрақлар ва олимпиадаларда эришган натижалари бўйича ёшларнинг «рақамли портфолио»си шакллантирилиб, электрон шаходатномада кўрсатилади.

Давлатимиз раҳбари ёшларимизни касб-хунарли қилиб, доимий даромад топиши учун шароит яратиш энг долзарб масала эканини таъкидлади.

Юртимизда 450 минг ўқувчини қабул қила оладиган 598 та техникум бор. Лекин уларга ёшларнинг қизиқиши, касб топиш кўрсаткичи юқори эмас. Шунинг учун Президент ва иқтисослаштирилган мактаблар тажрибаси асосида барча техникумларга халқаро стандарт бўйича замонавий касбга ўқитиш муҳитини олиб кириш зарурлиги таъкидланди.

Бу ишларни ягона сиёсат асосида олиб бориш учун Касбий таълим агентлиги ташкил қилинади. Энди инвесторлар буюртмаси билан техникумларда кадрлар мақсадли тайёрланади. Техникум билан дуал таълимни йўлга қўйган корхоналарга имтиёзли кредит ажратилади.

Ривожланган давлатлар тажрибаси асосида касбга ўргатувчи устахоналар ташкил қилиш, хорижий тилларни ўқитишни кенгайтириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Йиғилиш якунида мутасаддилар ва педагоглар билан мулоқот бўлиб ўтди.

ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Финляндия Президенти Александр Стубб билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон билан Финляндия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни, энг аввало, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда янада кенгайтириш масалалари Финляндия Президентининг мамлакатимизга бўлажак ташрифига тайёргарлик нуқтаи назаридан атрафлича кўриб чиқилди.

Конструктив сиёсий мулоқотлар ва парламентлараро алмашинувлар давом этаётгани мамнуният билан қайд этилди. 2024 йилда товар айирбошлаш 24 фоизга ошди. 2022 йилдан мамлакатимизда Финляндиянинг «Нордик» университети муваффақиятли фаолият юритмоқда, мактаб таълимини ривожлантириш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги, кимё, энергетика, кончилик, телекоммуникация ва бошқа инновацион тармоқларда кооперацияни йўлга қўйиш, жумладан, таълим тизимига илгор технологияларни жорий этиш имкониятларига алоҳида эътибор қаратилди.

Аниқ лойиҳаларни тайёрлаш учун Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ва икки мамлакат етакчи компаниялари иштирокида бизнес форумини ўтказиш таклиф қилинди.

Халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Низоларни халқаро ҳуқуқ нормалари асосида тинч йўл билан ҳал этиш муҳимлиги таъкидланди.

Ў.А.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИГА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ЯНАДА КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.

Охириг бей йилда ер ҳисобини юритиш бўйича янги тизим яратилди, қисқа вақтда мамлакатимиздаги 45 миллион гектарга яқин ер майдонидан 42 миллион гектари, яъни 94 фоизи, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 26 миллион гектардан зиёд ерларнинг 88,4 фоизи давлат рўйхатидан ўтказилди.

Тақдимот давомида илгари фуқаролар ва ташкилотлар фойдаланишида бўлиб, туман ҳокимликлари тасарруфига қайтарилган бўш ерларнинг ҳисобини алоҳида юритиш зарурлиги таъкидланди. Бундай ерларни қисқа муддатда аукционга чиқариш бўйича инсон омилсиз ишлайдиган тизим яратиш топширилди.

Қишлоқ хўжалигида ерга ижара ҳуқуқини бозор активига айлантириш бўйича ишлар бошланди, ерга нисбатан қайта ижара, иккиламчи ижара институтлари киритилди.

Эндиликда ижарага берилган ерларни қисман қайта ижарага беришга, яъни бир қисмини ўзида олиб қолиб, қолган қисмини бошқа ижарачига ўтказишга ҳам руҳсат берилди. Илгари бу учун ерни давлатга қайтариш ва янгидан аукционга чиқариш лозим эди.

2021 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги ерлари фақат ижара ҳуқуқи билан ажратилмоқда. Йиғилишда 2027 йил 1 январгача қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган барча ерларни ижара ҳуқуқига ўтказиш лозимлиги таъкидланди.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга хизмат кўрсатувчи объектлар — енгил конструкцияли музлаткичли омборхоналар, саралаш, қадоқлаш жойлари, сув тежовчи технологиялар, дала шийони, техника парки қуришга руҳсат берилди.

Бунинг учун аввал ер тузиш лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланади. Ушбу лойиҳа қурилишга руҳсат бериш пайтида ерга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат сифатида қабул қилинади.

Бу янгилик қишлоқ хўжалигида янги имкониятларни очди, боғбон ўз боғининг бир четида мевани сақлаш жойи, чорвадор ўз яйловининг бир қисмида чорва моллари ва чорва озукасини сақлаш жойлари қуриш имкониятига эга бўлади.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш, ижарачиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, соҳага бозор муносабатларини янада кенг жорий этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Тақдимот якунида мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Фармон имзоланди, қонуности ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилиши белгиланди.

Ў.А.

Учрашув

ТАРИХ, ДИН, УРФ-ОДАТЛАР ВА ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНГАН АЗАЛИЙ РИШТАЛАР

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Малайзия Сенати Раиси ўринбосари Нур Жазлан Моҳаммад бошчилигидаги парламент делегацияси билан учрашди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги дўстона муносабатлар, кўп қиррали ҳамкорлик ҳамда парламентлараро алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Айни чоғда ҳамкорликни мустаҳкамлаш, мунтазам мулоқот ва қонуний соҳасида тажриба алмашишнинг муҳимлиги қайд этилди.

Парламентлараро дўстлик гуруҳларининг мулоқотини фаоллаштириш ва доимий йиғилишларини ўтказиш, унда давлат раҳбарлари ҳамда ҳукуматлараро эришилган қилишувлар ижроси юзасидан

таъсирчан парламент назоратини қўлайтириш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш, доимий мулоқот ва йиғилишларни ўтказиш юзасидан таклифлар билдирилди.

Учрашувда икки мамлакат халқлари ўртасида умумий тарих, дин, урф-одатлар ва қадриятларга асосланган азалӣ ришталар мавжудлиги таъкидланди. Давлат раҳбарлари ўртасидаги очик ва конструктив мулоқот икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга мустаҳкам пойдевор бўлаётгани таъкидланди. ➡

ИЗЧИЛ ВА САМАРАЛИ ШЕРИКЛИК ИФОДАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Малайзия Сенати Раиси ўринбосари Нур Жазлан Моҳаммад билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги муносабатларни, шу жумладан, парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Малайзия тарихий ришталар, маданий ва маънавий қадриятларнинг яқинлиги боғлаб туради. Сўнгги йилларда давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродалари, олий даражадаги учрашувлари туфайли ўзаро алоқалар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил февраль ойида ушбу мамлакатга, Малайзия Бош

вазирининг ўтган йил май ойида Ўзбекистонга тарихий ташрифи икки давлат ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни ривожлантиришга катта суръат бағишлаб, ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқди.

Сўхбат чоғида меҳмон томонига янги тахрирдаги Конституция ва «Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, Қонунчилик палатасининг таркибий тузилиши, унинг қонун ижодкорлиги ва парламент назорати йўналишидаги фаолияти ҳақида батафсил маълумотлар бериб ўтилди. ➡



ТАРИХ, ДИН, УРФ-ОДАТЛАР ВА ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНГАН АЗАЛИЙ РИШТАЛАР

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни кенгайтириш, таълим, туризм ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига урғу берилди. Малайзиянинг етакчи таълим муассасалари билан қўшма дастурларни йўлга қўйиш, таълим форумларини ташкил этиш бўйича тақдирлар билдирилди.

Ислом ва маданият соҳаларида тадқиқотлар борасидаги ҳамкорлик, хусусан, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва Халқаро ислом академиясининг Малайзия илмий муассасалари билан алоқалари ижобий баҳоланди. Малайзияда ўтказилаётган Ўзбекистон маданияти кунларининг аҳамияти алоҳида таъкидланди.

Учрашув якунида томонлар парламентларо муносабатларни янада ривожлантиришга тайёр эканликларини билдирди.

«Халқ сўзи».

ИЗЧИЛ ВА САМАРАЛИ ШЕРИКЛИК ИФОДАСИ

Ўз навбатида, Нур Жазлан Моҳаммад илқ ва дўстона муносабат учун миннатдорлик билдириб, сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда барча соҳада амалга оширилаётган тарихий ислохотларни алоҳида эътироф этди.

«Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланмоқда. Ўзаро ташрифлар икки томонлама муносабатларни янги bosқичга олиб чиқмоқда. Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Малайзияга амалга оширган ташрифи ҳамкорлик тарихида муҳим воқеа бўлди. Бу давлат раҳбари бошчилигида Ўзбекистонда ке-

чаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашимиз ва парламентларо муносабатларни ривожлантириш тарафдоримиз», деди Малайзия Сенати Раиси ўринбосари.

Учрашувда икки давлат ўртасидаги парламентларо алоқаларни мустаҳкамлашда Ўзаро ҳамкорликини кенгайтириш ва фаоллаштириш муҳимлиги, бунда парламент дипломатияси салоҳиятидан самарали фойдаланиш, қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш лозимлиги таъкидланди. Томонлар парламентларо ҳамкорликини ривожлантириш бўйича келишиб олди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон ва Канада: ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ИСТИҚБОЛИ

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Соҳиб Сафоев Канада Жамоатлар палатасидаги «Канада — Ўзбекистон» дўстлик гуруҳи раиси Зияд Абулотаиф бошчилигидаги делегация аъзолари билан видеоконференцалоқа шаклида учрашув ўтказди.

Онлайн мулоқот

Унда икки мамлакат ўртасидаги парламентларо алоқалар, иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик масалалари, таълим, туризм соҳаларидаги имкониятлар муҳокама этилди.

Парламентларо мулоқотни янада чуқурлаштириш мақсадида икки мамлакат қонун чиқарувчи органларининг тегишли кўмиталари ўртасида ўзаро ташрифлар ва йиллик йиғилишларни мунтазам ташкил қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда икки томонлама мулоқот ва ташрифлар фаоллашди. Шу билан бирга, савдо айланмасини янада ошириш, ҳудудлар ва бизнес дои-

ралари ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш, инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланиш зарурлиги айтилди. Таълим соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари ҳам муҳокама қилиниб, Канаданинг етакчи олий ўқув юрталари билан қўшма дастурлар ва филиаллар ташкил этиш, ўқув-илмий алоқаларни ривожлантиришнинг муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, учрашувда ҳудудларо ҳамкорликини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, икки мамлакат шаҳар ва ҳудудлари ўртасида биродарлик алоқаларини йўлга қўйиш, Ўзаро тажриба ва лойиҳалар алмашинувини таъминлашга урғу берилди.

«Халқ сўзи».

МУСТАҚИЛЛИК — ТИНЧ ҲАЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲҚАМ КАФОЛАТИ

Дунёдаги ҳар бир давлатнинг миллий суверенитети ва мустақиллиги унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгилайдиган асосий мезондир. Бу ҳудудий яхлитлик, сиёсий барқарорлик ва ўз тақдирини мустақил ҳал қилиш ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқ. Миллий мустақиллик — фақат давлат рамзи эмас, балки унинг сиёсий-ҳуқуқий субъект сифатида халқаро майдондаги тан олинishi, иқтисодий манфаатлари ва халқининг тинч ҳаётига кафолат берадиган таянчдир.

Шукрона

Мустақиллик нафақат миллий ўзликини англаш, балки янги Ўзбекистонни барпо этишда ҳал қилувчи омилга айланган. Айниқса, юртимизда яратилаётган демократик, адолатли, фуқаролар ҳуқуқи устувор бўлган давлатни шакллантириш жараёнида истиқлолнинг ҳаётий аҳамияти янада юксак баҳоланмоқда.

Президентимиз томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон — 2030» стратегияси ана шу истиқлол гузарининг мантиқий ва амалий давомидир. Унда давлат ва жамият ривожининг устувор йўналишлари аниқ белгилаб берилди. Хусусан, аҳолининг реал даромадини 2030 йилгача 2 баробар ошириш, ЯИМни 160 млрд. долларга, экспортни 45 млрд. дол-

ларга етказиш, ҳар бир фуқарога муносиб турмуш шароитларини яратиш каби мақсадлар белгиланган. Иқтисодийнинг барқарор ўсишини таъминлаш, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларини ислоҳ қилиш, экологик мувозанатни сақлаш, давлат бошқарувида шаффофлик ва самарадорликни кучайтириш масалалари стратегиянинг бош гузарлариандир.

Айни пайтда мамлакатимизда қўлай инвестиция муҳити яхшиланмоқда, ташқи иқтисодий алоқалар кенгаймоқда, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Энергетика, саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар давлатнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамламоқда. Бу эса фуқароларнинг даромадини ошириш, янги иш ўринлари

яратиш ва ижтимоий барқарорлиқни таъминлашга хизмат қилмапти.

Кейинги саккиз йилда амалга оширилган оқилона сиёсат туфайли юқорида тилга олинган ютуқларга эришилмоқда, десак, муболаға бўлмайди. Қўшнилар билан яхши муносабатлар, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш, халқаро ҳамжамият билан тенг ва манфаатли ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган очик ташқи сиёсат юритилиб келинмоқдаки, бу жараён нафақат мамлакатимизда балки бутун минтақамизда тинчлик ва фаровонлиқни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда тинчлик ва барқарорлиқни асраш, миллатларо товулик ва баргикенглик муҳитини сақлаш, инсон қадрини улуғлаш каби таъминловчи мамлакат ривожига ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу эса мустақиллик туфайли мавжуд бўлган ҳуқуқий кафолатлар, кучли давлат ва фаол жамият уйғунлиги натижасидир.

Шу боисдан ҳар бир фуқаро мустақиллиги қадрлиги, унинг маъмуриятининг теран англаши, Ватанимиз тақдирини ўзини масъулиятни ҳис

қилиши зарур. Зеро, давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига қайд қилинганидек, «Айнан мустақиллик, барча сиёсий-ҳуқуқий кафолатларни ўзида муҳасам этган ҳолда «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш, жамиятимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини кучайтириш, инсон қадрини, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, минтақамизда яхши қўшничилик алоқаларини янада ривожлантириш, дунё мамлакатлари билан фаол ҳамкорлик қилиш, Ватанимизнинг халқаро микёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда бекиёс таянч бўлиб хизмат қилмоқда».

Мустақиллик — бу улғу неъмат. Уни асраш, мустаҳкамлаш ва келажак авлодларга муносиб тарзда етказиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Абдурашид АЛТИЕВ, Олий Мажлис Сенати Девонининг Худудий вақилик органларини фойалиятини ўрганиш маркази бўлим бошлиғи.

Учрашув

УСТУВОР МАСАЛАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Орузгул Қозихонова ҳамда Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси Алишер Аъзамхўжаев Туркиянинг «Адолат ва тараққиёт» партияси раиси ўринбосари, партиянинг туркий давлатлар билан ҳамкорлик бошқармаси раҳбари Куршад Зорлу бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ҳамкорлик, хусусан, ёшлар сиёсати ва парламентларо алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг очик ва прагматик ташқи сиёсати халқаро майдонда давлатимизни ишонли ҳамкор сифатида таништиришга хизмат қилмоқда. Минтақавий барқарорлиқни таъминлаш, яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш ва халқаро шериклиқни кенгайтириш ушбу сиёсатнинг устувор йўналишлариандир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Туркия ўртасида ёшлар масалалари бўйича изчил ва самарали ҳамкорлик шаклланди. Таъ-

лим, маданият, волонтерлик ва ёшлар лойиҳалари йўналишларида қўшма ташаббусларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Учрашувда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва яратилаётган имкониятлар ҳақида маълумот берилди. Хусусан, «ёшлар дафтари» тизими орқали ёшларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, олий таълимдаги ютуқлар хусусида фикр юритилди.

«Халқ сўзи».

ИЛМИЙ ЯНГИЛИК ВА ИННОВАЦИЯЛАР

Қишлоқ ҳўжалигини тараққий эттириш, ҳосилдорликни кўтариш ва самарадорликни оширишга хизмат қилади

Олий Мажлис Сенатининг ақинда бўлиб ўтган ўнинчи ялпи мажлисида мамлакатимиз иқтисодиётининг энг муҳим соҳаларидан бири — қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, илмий-тадқиқот институтларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда соҳага илм-фан ютуқларини жорий қилиш юзасидан Ҳукуматга юборилган парламент сўрови натижалари кўриб чиқилди.

Сенат ялпи мажлисида муҳокама қилинган

Парламент сўровида акс этган масалалар ва улар бўйича амалга оширилган ишлар, қишлоқ ҳўжалиги илмини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар юзасидан тақдим қилинган маълумотлар кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки глобал иқлим ўзгариши таъсирида кейинги йилларда кузатилаётган экологик омиллар аграр соҳани тараққий эттириш, экинлар ҳосилдорлигини кўтаришга тешкари таъсир қилаётди. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, бундай шароитда ишга илмий асосда ёндашиш, илм-фан ютуқларига таяниш, аниқсиз, амалиётга илмий янгилик ва инновацияларни изчил қўллаш орқалигина вазиятни юмшатиш, соҳада иқтисодий самарадорликни ошириш мумкин.

Ҳўш, бугун мамлакат қишлоқ ҳўжалиги олдига қандай долзарб муаммолар турибди? Илм аҳли уларга илмий ечим тақдир қила олаётими?

Бу ҳақда сўз юритилганда, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари томонидан 271 та нав (зот) ва дургага яратилган, шундан 107 таси Давлат реестрига киритилган, 99 таси ишлаб чиқаришга жорий қилиниб, 82,7 млрд. сўмлик 73 та лойиҳа натижалари тижоратлаштирилгани алоҳида таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, вазирлик ҳузурда ташкил этилган Қишлоқ ҳўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятига оид давлат дастурлари доирасида биргина жорий йилда умумий қиймати 49,7 млрд. сўмлик 69 та, шу жумладан, 49 та амалий, 7 та инновацион, битта фундаментал, 12 та халқаро лойиҳа бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Натижада республика бўйича 909 минг гектар сугорилмаган ер майдонларига илмий-тадқиқот институтлари томонидан яратилган истиқболли ва янги гўза навлари экилди. Шунингдек, вилоятлар илмий-тадқиқот станциялари ва уруғчилик тажриба ҳўжаларида 70 дан ортик янги гўза навларининг бирламчи уруғчилик ишлари олиб борилмапти.

Президентимиз томонидан қишлоқ ҳўжалиги фанини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, энг орғиқли масала бўлган молиялаштириш билан боғлиқ муаммолар секин-аста ечимини топомқда. Биласиз, инвестиция соҳасида энг катта маблағлар грантлар ҳисоб-

ланади. Шу маънода, Жаҳон банкининг 81 млн. доллар миқдорига маблағи йўналтирилган қишлоқ ҳўжалиги илми ривожига катта мадад бўлди. Бугунги кунга қадар унинг 58 млн. долларини ўзлаштирилди, 9 млн. долларлик янги замонавий лабораториялар пайдо бўлди. 460 дан ортик янги авлод асбоб-ускуналари билан жиҳозланган мазкур лабораториялари бориб кўрган кишининг ҳаваси келади. Қолаверса, 5 млн. долларлик 99 турдаги 668 та дала техникаси сотиб олинган.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги жамғармаси томонидан берилган грант асосида эса 219 та илмий лойиҳа амалга оширилмоқда. Унинг доирасида ҳозиргача 110 млрд. сўмлик 67 илмий ишланма якунига етказилиб тижоратлаштирилди. Навлар мисолида айтганда, охириги беш йил ичида 52 та нав ва истиқболли нав яратилиб, шундан 24 тасига патент олинди.

Қанчаллик завлари бўлмасин, келтирилган бу рақамлар бизни қониқтирмайди. Сабаби яратилган илмий ишланмалар, ихтиро ва патентлар соҳа ривожига соя ташлаб турган сув танқислиги, тупроқ шўрланиши, унумдор гумус қатламнинг камайиб кетиши, ердаги микро-организмлар тақчиллиги каби долзарб муаммолар ечимига хизмат қилиши керак. Негаки, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлигини оширишга ёрдам бериучи биологик ўғитлар нархининг қимматлиги, боз устига уларни катта майдонларга қўллашга фермер ва деҳқонларнинг молиявий салоҳияти чеклангани муаммоларни бартараф этиш имконини бермапти.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, охириги йилларда қишлоқ ҳўжалигида сув ресурслари 9 фоизгача камайди. Келажакда айнаи шу масалалар ижобий прогнозлар йўқ ҳисоб. Яқин йилларда биз 14 фоизлик сув йўқотилишига тўқнаш келишимиз эҳтимоли ортмоқда. Шунинг учун, биринчи навбатда, илмий тадқиқотларни сув муаммоси ечимига, сув ресурсларини тешага хизмат қилмайдиган инновацияларга қаратаямиз.

Қишлоқ ҳўжалиги илми бир неча фанлар чорраҳасида бўлгани учун бу соҳада илм-фан ишларини амалга ошириш, илмий тадқиқотлар олиб боришининг ўзига яраша қийинчиликлари бор, албатта. Қишлоқ ҳўжалигида тадқиқот билан шуғулланишининг мураккаблиги шундаки, мазкур жараёнда қилинган экспериментлар, лаборатория тажрибалари



дала тадқиқотларига боғланиши шарт. Бироқ лаборатория ҳулосалари дала шароитида иш бермаслиги эҳтимоли юқори. Масалан, лабораторияда 99 фоиз статистик жиҳатдан тасдиқланган маълумотларнинг 13 фоизи қишлоқ ҳўжалигида ёлгон бўлиб чиқади. Бундан ташқари, битта тадқиқот қилсангиз, уни 3 хил об-ҳаво шароитида, 3 та ҳудудда қўйишингиз керак бўлади. Қолаверса, деҳқончиликда тадқиқот қилиш учун ер керак. Ўз навбатида, ерни ҳайдаш, ўғитлаш, уруғчилик сотиб олиш, чорвачиликда эса янги зот яратиш учун чорвачилик фермаси қуриш, насли моллар олиб келиш, сифатли озик-овқат маҳсулотлари ештириш учун эса таннархи жуда юқори бўлган тест тизимларига бўлиш талаб этилади. Табиийки, буларнинг барчаси катта харажат, деганидир.

Шу боис илмий-тадқиқот институтларининг моддий-техника базасини яхшилаш, соҳага илм-фан ютуқларини жорий қилишининг институционал асослари ҳамда соҳага доир амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш зарурати мавжуд. Шу билан бирга, ёш илмий ходимлар ва тадқиқотчиларга илмий ишланмалар яратиш, тажриба синовлари ўтказиш ҳамда жорий харажатлар учун етарли маблағ ажратилиши ҳам мақсадга мувофиқдир. Бу эса нафақат илмий тадқиқотларни кенгайтириш, айнаи пайтда кадрлар кўнимсизлиги билан боғлиқ муаммоларга ҳам ечим бўлади.

Аграр соҳа равнақи табиатга чамбарчас боғлиқ. Бироқ кейинги пайтда экологик омиллар таъсирида ҳаво ҳарорати кўтарилиб кетмоқда. Аслида иссиқ ҳаво қишлоқ ҳўжалиги экинлари, аниқсиз, пахтачилик ва галлачилик учун жуда фойдалан. Аммо бизни қийнаётган, қўнчилик аҳамият қаратмайдиган жиҳат шундаки, бу тунги ҳароратнинг юқорилигидир.

Гап шундаки, кундузги ва тунги ҳаро-

рат ўртасидаги тафовут тобора камайиб бирхиллашиб бормоқда. Тунги ҳароратнинг муқим 25 даражадан юқори бўлиши экинларга салбий таъсир қилмоқда. Яъни ўсимликлар гулқаниб, уруғи етилишига ноқулайлик туғдириб, мевасининг ўткилиб кетиши ҳолати кузатиляпти. Охири-оқибат ҳосилдорлик камайиб кетмоқда. Бунинг олдини олиш учун «иссиқхона газини» (CO₂) чиқарилишини камайитиришга қаратилган тадқиқотларга эътибор кучайтирилиб, қишлоқ ҳўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантиришда нафақат самарадорликни ошириш, балки экологик барқарорлиқни таъминлашга қаратилган тадқиқотларга алоҳида аҳамият берилаётгани эътиборга моликдир.

Маълумотларга қараганда, мамлакатимизда сугорилмаган ҳар бир гектар ер майдонидан ўртача 2-3 минг доллар даромад олинмапти. Албатта, бу паст кўрсаткич. Давлатимиз раҳбарини томонидан ушбу рақамни яқин келажакда камидан 5 минг долларга етказиш вазифаси қўйилди. Шундан келиб чиқиб, ўртача ҳосилдорликни пахтачиликда 50, галлачиликда 100 центнерга кўтариш устида илганяёмиз. Бироқ сугорилмаган ерларнинг 1,2 млн. гектари (33,2 фоиз) гумус билан кам таъминланган, 1 млн. 671 минг гектар экин ерлари турли даражада шўрланган, шундан 91,5 минг гектари эса кучли шўрланган. Оқибатда ҳозирги сув тақчиллиги шароитига қарамай Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида ерларнинг шўри 3 марта ювиляпти. Бошқача айтганда, пахтачиликда ишлатилмаган 3,5 млрд. куб метр сувнинг асосий қисми ернинг шўрини ювишга сарфланади. Ваҳоланки, республика қишлоқ ҳўжалигида сув сарфимиз 40 млрд. куб метр бўлгани ҳолда, йиллик лимитимиз 32 млрд. куб метрда ташкил этилади.

Бу муаммоларни бартараф қилиш учун илм-фан ютуқларига ва инновацияларга асосланган оддий, камхарж, ноанъанавий ҳамда ҳаммабоб, лекин қўшимча даромад берадиган ёндашувлар ва тажрибалар жорий қилинмоқда. Масалан, ҳиндистонлик мухтаассислар билан ҳамкорликда янги тажрибага кўл урдик. Яъни 1000 гектар ерда янги технология асосида ернинг шўрини ювмасдан гўзанинг янги навлари экилди. Тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида 1 млн. 900 минг гектар ердан тупроқ таҳлилчилари олиниб, уни яхшилаш учун аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Шубҳасиз, ер унумдорлигини оширишда биогумус энг самарали усул ҳисобланади, лекин жуда қimmat. Гектарига 10 млн. сўм сарфлашга ҳамма фермернинг ҳам қурби етмайди. Фермерларнинг иқтисодий имкониятларини инobatта олган ҳолда жуда арзон бўлган «Ҳаёт шираси» инновацион лойиҳаси

устида ишлаяёмиз. Қайта тикланувчи (регенератив) қишлоқ ҳўжалигини жорий қилишда оддий дала шароитида фермернинг ўз қўли билан яратиладиган мазкур биоўғитни тупроқни «тириштирувчи» малҳам дейиш мумкин.

Ҳиндлар «живамрит» деб атайдиган ушбу суок биоўғит фермаларда осон топилмайдиган таркибий қисмлардан тайёрланади. Унинг асосий масаллиги — даладан (бир контурдан) олинган бир белкуркак тупроқ (далага ҳис микроорганизмлар тўплами), сув ва озукадан (шаркар, гўн, мол пешоби) иборатдир. Уни тўғридан-тўғри тупроққа қўллаш ёки 3 — 7 кун давомида экин барглари устига пурақанга ҳолда ишлатиш бўлади. Ушбу биоўғитни йил давомида тайёрлаб, фойдаланиш мумкин. Натижада у тупроқни азотни ўзлаштирувчи бактерия ва фосфатни эритувчи микроорганизмлар билан тўйинтиради, ҳосилдорликни оширади, тупроқдаги органик углерод микдорини кўпайтиради.

Живамритни қисқа қилиб фермерлар яратган аънаанага асосланган, аммо илм-фан томонидан тасдиқланган инновация, десак, бўлади. У экотизимга зарар етказмасдан, экинлар ҳосилдорлиги ва чидамаслигини оширишга хизмат қилади.

Айнаи пайтда вазирлигимиз томонидан Фермерлар кенгаши билан бирга, қишлоқ унумдорлиги бўйича жойларда семинар-тренинглр ўтказилмоқда. Жорий йил куз ва келгуси йил баҳор мавсумидан кластер, фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва аҳоли томорқаларига кенг жорий этилиши режалаштирилмоқда.

Яна бир арзон ва ўта фойдали илмий ишланма — бу гўзаподан биочар, яъни биоқўмир олишга қаратилган бўлиб, у тупроқ шўрланишини камайитириб, уни азот (N), фосфор (P), калий (K), кальций (Ca), магний (Mg) ва қўллаб микро-элементлар билан бойитди. Бунинг учун кўп нарса талаб этилмайди. Асосий хомашё ҳисобланган гўзаподани 1 гектар пахта майдонидан ўртача 6-7 тоннагача олиш мумкин. Бир тонна гўзаподадан ўртача 450 — 462 кг. (45-46%) биочар ишлаб чиқарилди.

Маълумотларга қараганда, дунё карбон бозори йилига 16-17 фоиз ўсиб, 2024 йили қарийб 500 млрд. долларга етди. Натижада карбон бирикларини ишлаб чиқиш ва уни сотиб олиш ҳамжи ортмоқда. «Shell», «Microsoft», «Boeing», «Walmart», «Chevron», «Tesla» сингари гигант компаниялар томонидан 1 карбон бирилгига 173 АҚШ доллари миқдорига маблағ тўланади. Бу — биочар ишлаб чиқариш, яна ўз даласига солган фермерга гектарига ўртача 400 АҚШ доллари миқдорига қўшимча даромад олади, дегани.

Мазкур инновациядан қўзланган асосий мақсадимиз ҳам энг кўп CO₂ газини ютқандиган пахтазорларимиздан


унумли фойдаланиб, фермерга тола ва чигит устига қўшимча даромад келтириш. Бунинг учун биринчи bosқичда фермер ҳўжалиқини биочар тайёрлашга ўргатилади, иккинчи bosқичда илгор аҳоликлар халқаро компаниялар томонидан сертификация қилиниб, йиллик мониторинг юргизилади ва учинчи bosқичда йирик корхоналарга фермер тайёрланган карбон бирикларини сотилади.

Ҳовварлири, Ўзбекистонда қургўчиликка учраган ва турли даражада шўрланган, унумдорлиги паст ерларда (Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларида) ушбу тажриба асосида 2 та лойиҳа амалга оширилиб, гўзаподан биочар олинган. Тажрибада бир гектарга 5 — 10 тонна миқдорда биочар қўлланилганда, тупроқ органик модда ва микро-элементлар билан бойиб, сувни ушлаб туриш қобилияти ва экинлар ҳосилдорлиги 10 — 20 фоиз ошган.

Афсуски, олимларимизнинг машаққатли меҳнатлари, кўп йиллик илмий изланишлари натижасида яратилган шу каби инновацияларни, янги зот, нав ва дургагайларни амалиётга жорий этиш ҳамда илмий натижаларни тижоратлаштириш механизми самарали ташкил қилинмаган. Махсулот ештириувчи субъектларни яратилаётган янги илмий ишланмалар ҳамда инновациялар тўғрисида ўз вақтида хабардор этиш йўлга қўйилмаган.

Ана шунда бир пайтда илм-фан ютуқлари ва янгиликларни кенгрок жорий этиш, уларни чекка ҳудудларга олиб киришда бундан икки йил олдин бошланган хонадонбай ишлаш усули кўл келаяпти. Бу орқали илмий арзонлаштириб тижоратлаштириш, амалиётга изчил татбиқ қилишга эришилмоқда. Жорий йил биринчи ярим йиллигида хонадонбай усулида аграр соҳага оид илм

ИНСОН БЎЛИШ ИЛМИ



Ўзингиз севган, соғинган шоир-ёзувчилар, илм ва қалам аҳллари билан бир даврада ўтириб, ана шу улуғ инсонларни яқиндан танимоқчи, ҳеч қаердан топилмас пурмаъно сўхбатларидан баҳра олмақчимисиз? Марҳамат, иссиққина, аччиққина чойингизни дамлангда, таниқли ўзбек журналисти Абдусайд Кўчимовнинг яқинда чоп этилган "Танланган асарлар"ини қўлга олинг.

Китоб халқимизнинг ардоқли шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповга бағишланган "Мен шоирман, истасангиз шу..." бадиаси билан бошланади. Шоир гурунг беради.

Мутолаа

Шоирнинг гурунги шеър, дарди адабиёт, гоёси инсон: "...Баъзан яна хаёлга толаман: бозор иқтисодиёти таъсир қилди, у-бу деган баҳоналарни рўқач қилиб одамгарчиликдан, адабиётимизнинг эртасига қайғуришдан узоқлашиб кетмаямизми? деган хаёлларга бораман. Ахир Ойбеклар, Абдулла Қаҳҳорлар энгил замонда яшаган эмас-ку! Аммо мунтазам, ҳар кун ўйлаган — биздан кейин адабиёт нима бўлади, деб".

Китобда Ойбек домла ҳақида сўз кетади, бошига тушган бўҳронлар ва огир синовлар остида бутунлигини йўқотмаган адиб шахсияти эзгуликка интилувчи ҳар бир гўзал қалбини ўзига ром этади. Китобни ўқиркансиз,

тўғрироғи, китобнинг ичига кириб, томоша қиларкансиз, қалам аҳли учун қийин бўлган "Қаллоб ва бешафқат тузум дарбонлари ёзувчиларни бир-бирига тезлаб, жикламушт қилиб, дўғириб, жонини олиб қўйган — зада қилиб ташлаган" оғриқли даврлар кўз олдингизда гавдаланади. Бу сатрларни ўқиб, беихтиёр, истибод авжига чиққан мустамлакачилик даврлари ўтмишга айланганидан энгиллик, ўхшаши йўқ ҳузур туясиз. Ҳуррият, сўз эркинлиги, истиқлол саболаридан симириб-симириб, ўпкангиз тўла-тўла нафас олсам дейсиз, "Шу кунларга етказганингга шукр!" деган сўзлар тилингиздан эмас, қалбингизнинг туб-тубларидан отилиб чиққиси келади.

Қўлдан қўймай ўқиб керак бўлган ушбу жамламада муаллиф ижодкорлар билан боғлиқ хотираларига кенг ўрин қилди. Шоир-ёзувчиларнинг уйига қачон, ким билан боргани тафсилоти батафсил ёритилади. Адиб, одатда, остона хатламай туриб тасвирларни бошлаб юборади. Уйга кираркансиз, кўпинча сизни қаламқаш мезоннинг жафокаш жуфти ҳалолли қарши олади. "Ҳар қандай буюк шахсиятлар ортида аёл туради" деган нақл ўринсиз айтилмаганини англайсиз. Айтилик, муаллиф билан биргаликда Одил Ёқубов хонадонидасиз. "Уш келибсиз, кираверинглар", дея Марям опа меҳмонларни ичкарига таклиф қилади. Марям опа сиймосида

"узоқ йиллик кадрдон йўлдошининг феъл-атворини яхши билувчи, уни асраш, авайлаш учун ҳаммиша хушёр ва ҳамма нарсага тайёр тургувчи оқила рафика", чинакам ўзбек аёлини кўрасиз. Одил Ёқубов вафотидан сўнгра "майит қошида бош эгиб, гамага ботиб ўтирган" Марямхон аяга аталган узун бир қасида шоирнинг қалбидан қоғозга кўчади:

...Адибга ёр бўлиш осонми, ахир,
Кўёшдек қалб керак,
қоядек чидам.
Меҳру саховатин аямай тақдир,
Сизга берган экан икковидан ҳам...

Бугун маълумот жуда кўп, керагидан ҳам ортик замонда яшаймиз. Дунё бор бўйи билан кафтингизда, миттигина қурилмачада турибди. Унга истаган саволингизни берсангиз, жавоб оласиз. Унинг воситасида кўнглин-

Остона хатлаб кўчага чиқсангиз, ҳаммининг гимирлаб қаёққадир ошиқайтгани, қандайдир ташвишлар, мақсадлар ортидан ё муаммоларга ечим излаб изғиётганини кўрасиз. Аскаримизнинг онгимизни маиший ҳаёт ўйлари чулғаб олган. Уйлайдиган одам кўндир, лекин қўрган-кечирганлари, эшитганларига савол назари билан қарайдиган, тафаккур қиладиган кишилар кўпчилиги ташкил этади, дейиш мумкин. Фикрловчи кишиларнинг эса ҳаммаси ҳам қўлига қалам олиб, қарашларию кузатишлари, ҳаётий фалсафаларини оммага баён қилиб беравермайди. Таъбир жоиз бўлса, ҳаётга, инсонларга кўзгу тутадиган кишилар қалам аҳлларидир. Улар гўё асарларга ўхшайди, энг тоза, энг шифобахш сўз ва фикрларни саралаб, ўқувчига тақдим қилишади. Қолгани эса китобхонларга ҳавола...

гиз тусаган мавзу борки, маълумот олишингиз мумкин. Лекин сизга у бир нарсани ўргата олмайдди. Сизга энг керакли нарсани — Инсон бўлишни! Бу илм ўрناк сиймолардан олинади, холос. "Танланган асарлар"да китоб муаллифи сара адиблар, қалам ва илм аҳллари хусусида ҳафсала билан, меҳр билан топиб-топиб ёзади. Китоб қаҳрамонларнинг ҳар бири буюк шахсият, буюк инсон. Улардан бири — кўллаб адибларнинг, айниқса, ёш қаламқашларнинг отасидек меҳрибон устози Маҳмуд Саъдий. "Маҳмуд Саъдийнинг сеҳрли "ҳабдори"си — одамгарчилик! Одамларда "одамгарчилик" деган оддий хислатлар сийрақлашиб, ноёблашиб бораётган замонда, у ана шу малҳами билан дилларга дармон бўлади, улуглар дўсию, ёшларнинг раҳматига қўмилиб юради", дея устознинг соғинч билан эслайдиган муаллиф Абдусайд Кўчимов.

«Халқ сўзи».

ВОДИЙЛАРНИ ЯЁВ КЕЗГАНДА...

Қуёш панелли боғ яратилди

Қува туманида 110 гектар адир ер ўзлаштирилиб, суғориш тизимини муқобил энергия билан таъминлаш учун қуёш панеллари ўрнатилди. Шу мақсадда 4 та сув қудуғи ҳамда 2 та насос станцияси ташкил этилиб, экинларни томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинди.

Истиқболли лойиҳа доирасида қуёш панеллари ўрнатилган темир устунлар остидаги бўш турган қарий 50 гектар майдонда эса узумзор барпо этилди. Ҳозир бу ерда жаҳон бозорида харидорғир ва экспортбоп узумнинг данаксиз "Аватар" нави парваришланмоқда.



Замонавий ёндашув туфайли ушбу боғда бир пайтнинг ўзида деҳқончилик қилиш ва қайта тикланувчи энергия манбаига эга бўлиш имконияти яратилди. — Айти қуёш лойиҳа ташаббускори томонидан муқобил энергия манбаининг эҳтиёждан ортан қисмининг ҳар бир киловати 730 сўмдан туман электр тармоқлари корхонасига сотилмоқда, — дейди Қува тумани ҳокими ўринбосари Музаффар Зокиров. — Бу бир ойда ўртача 27-28 миллион сўм қўшимча даромадга эга бўлиш имконини беради.

Сўхда замонавий тез ёрдам станцияси

2024 йили "Ташаббусли бюджет" лойиҳасида голиб бўлган Сўх тумани тез тиббий ёрдам станцияси замонавий мезонлар асосида таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Эзгу ташаббус ижобати учун 1 млрд. 360 млн. сўм маблағ сарфланди. Хизмат кўрсатиш хоналари 9 тадан 14 тага кўпайтирилди. Бино томига 10 киловаттлик қуёш панеллари ўрнатилиб, ҳар бир хона керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. — Бундан ташқари, автотўроғроғ ҳам таъмирланди ва ушбу худуд тўлиқ девор билан ўраб чиқилди. Ички йўлларга асфальт ётқизилди, — дейди Сўх тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ўринбосари Баротжон Маърупов. — Шу тариха 6 та тез ёрдам бригадаси, хусусан, ихтисослаштирилган реанимация бригадаси тумандаги 86 мингдан зиёд аҳолига тез ва сифатли хизмат кўрсатишга киришди.



Фарғонада китоб байрами

Фарғона вилоятида "Китоб ва мутолаа ҳафталиги" доирасида таниқли ижодкорлар билан ўз-м-ўз мулоқотлар, маънавий-маърифий тадбирлар, танловлар, ярмаркалар, акциялар ҳамда янги китоблар тақдимоти ташкил этилмоқда.

— Турли касб эгалари иштирокида 19 та шаҳар-туман жамоалари ўртасида ўтказилаётган интеллектуал беллашувлар жуда қизиқарли бўляпти, — дейди Аҳмад Фаргоний номидидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази директори Хуснияҳон Шерматова. — Унда миллий адабиётимиз дурдоналари, сеvimли асарлар бўйича саволлар берилиб, голиблар муносиб рағбатлантириляпти. Ҳафталик доирасида кутубхона мутахассислари таълим муассасаларида бўлиб, ўқувчилар билан мароқли учрашувлар уюштирмоқда. Кадрдон эртақ қаҳрамонлари тимсолида миллий кадрлар ва аъёнларимиз тарғиб этиляпти. "Давлат хизматчиси кутубхонада бир кун" лойиҳаси доирасида вилоятдаги ўнлаб ташкилот ва муассаса ходимлари ахборот-кутубхона марказида бўлиб, доимий аъзолик учун рўйхатдан ҳам ўтди.



Ботир МАДИЕВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди жамоаси Конституциявий суд масъул ходими Жаҳонғир Зоитовга отаси
Абдурашид ЗОИТОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

НАВҚИРОН АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Ҳар қандай давлат тараққиёти учун хизмат қиладиган энг катта бойлик, асосий ресурс мамлакат ёшларидир. Буни теран англаган Президентимиз Шавкат Мирзиёев юртимизда янги ислохотлар даврини бошлаб бери. Бу жараён, аввало, таълим тизимини тубдан янгилаш, уни замонавий талаблар ва халқаро стандартларга уйғунлаштиришга қаратилди.

Нуктаи назар

Дарҳақиқат, илм-фан ҳар доим жамият тараққиётининг пойдевори бўлиб келган. Навқирон авлодларнинг илмий салоҳиятини ривожлантириш эса мамлакат келажагининг барқарорлиги ва муваффақиятини таъминлайди. Бугунги кунда юртимизда ёшларни илм-фанга қизиқтириш, уларни замонавий технология ва инновациялар билан таништириш учун кенг қўлланма дастурлар амалга оширилмоқда. Янги авлод дарсликлари, электрон ресурслар яратилди. Мактабларни интернет билан таъминлаш, интерфаол ўқув хоналарини қуриш жараёнлари кенг йўлга қўйилди. Ўқитувчиларнинг ойлук маоши оширилди, уларнинг ижтимоий мақоми давлат сиёсати даражасига кўтарилди.



Олий таълимнинг ўзида мисли кўрилмаган ўзгаришлар кузатилди. 2016 йилгача олийгоҳларда қабул 66 минг атрофида бўлган бўлса, 2025 йилда бу рақам 671 мингдан ошиб кетди. Мамлакатимиз тарихда илк бор "QS", "Times Higher Education", "GreenMetric" рейтингларига кирди. Ўзбекистонда хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари очилди, чет эл билан қўшма факультетлар ва қўшма диплом дастурлари ташкил этилди. Президентимизнинг "Ёшлар — янги Ўзбекистон қуришда халқ қилувчи куч" деган сўзлари юртимизда ҳаётий ширга айланди. Навқирон авлод вакиллари учун илм олиш, чет эл таърибасини ўрганиш, инновация билан шуғулланишга кенг имкониятлар яратилди.

Бухоро давлат техника университетида ҳам амалга оширилган қамровли ўзгаришлар — халқаро рейтингларда муносиб ўрин эгаллаш янги эгаллаш янги таълим йўналишлари, ҳамкорлик доирасининг кенгайиши, илмий лойиҳаларнинг амалга оширилиши, янги инфратузилмаларнинг яратилиши, қисқаси, ёшларимизнинг глобал рақобатга тайёр кадр сифатида етишиш қиқшида мустақиллик асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, олий таълим муассасамиз учта нуфузли рейтингда (2024 йилда "Times Higher Education" агентлигининг "World University Rankings — 2024" рейтингиде "геротег" мақомига, Барқарорлиқни таъминлашга интилган университетларнинг глобал рейтингини "GreenMetric" кўрсаткичида 858-ўрин, 2025 йилги Осмёнинг энг яхши университетлари рейтингиде 905-ўрин) муносиб ўрин эгаллади. Республикада биринчилардан бўлиб, илгор муҳандислик мактабини ташкил этди, 58 та ишлаб чиқариш корхонасида кафедра филиаллари очилиб, уларда 500 дан зиёд талабалар ҳақ тўланадиган дуал таълим асосида таҳсил олмақда.

Шунингдек, долзарб ва замонавий ахамиятга эга бўлган биотехнология, реставрация, робототехника, мехатроника каби 17 та янги йўналиш киритилди. Университетда илк бор масофавий таълим шакли йўлга қўйил-

ди. 33 та бакалаврият таълим йўналиши ва 26 та магистратура мутахассислигининг таълим дастурларини дунёнинг "ТОП — 300" таликка кирган олийгоҳлари, хусусан, Италия, Россия, АКШ, Индонезия, Германия, Швейцария, Дания, Австралия, Буюк Британиянинг 17 та ОТМ дастурлари асосида такомиллаштирилди. Университетда ўқув жараёни шаффофлигини таъминлаш мақсадида "Регистратор офиси" ташкил этилди.

Таълим жараёнини рақамлаштириш доирасида дарс жадвали автотомлаштирилган тизим орқали тизимлашди. Талабалар давомати "Face ID" тизими ёрдамида кузатишмоқда. Яқиний назоратларни топшириш жараёни рақамлаштирилди. Профессор-ўқитувчилар учун КРНи аниқлаш ва назоратини юритиш дастурий таъминоти яратилди. Яқиний назоратда талаба шахсини реал вақтда аниқлаш протекторинг тизими йўлга қўйилди. Назоратлар натижалари қайдномалари QR асосида олинмоқда.

Олийгоҳда 28 та илмий марказ ташкил этилиб, уларнинг

сони 6 бараварга ортди. Шунингдек, замонавий "Машинасоз" технопарки барпо қилиниб, 750 ўринли талабалар тураржойи ҳам фойдаланишга топширилди. Университетда 2024/2025 ўқув йилида иқтидорли талабалар сони 2022/2023 ўқув йилидагига нисбатан 2,5 баравар ортиб, 667 нафарга етди.

Давлат томонидан ёшларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун махсус грантлар, стипендиялар ажратилмоқда. Шу билан бирга, халқаро илмий лойиҳаларда, танловларда иштирок этиш имкониятлари ёш олимларга ўз билимларини дунё миқёсида синовдан ўтказиш, таъриба орттириш, ёшларнинг илмий гоъларини амалий лойиҳаларга айлантиришга ундамоқда. Шундай имкониятларнинг инъикоси сифатида университетимиз докторанти Абубакир Атоев "Энг яхши гоъ" йўналишида фахрли 1-ўринни эгаллаб, "BYD" русумли электромобилни қўлга киритди.

Янги Ўзбекистон — бу нафақат сиёсий ва иқтисодий ислохотлар босқичи, балки ёшларнинг илмий салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган катта имкониятлар даври ҳамдир. Мамлакатимизда ўғил-қизларни илм-фанга жалб этиш, уларнинг ижодкорлигини қўллаб-қувватлаш, замонавий технология ва инновациялар билан таништириш — буларнинг барчаси ёш авлоднинг барқарор вояга етишига хизмат қиладди.

Биз бугунги авлод қалбиде ватанпарварлик, фидойилик, миллий гурур туйғусини мустаҳкамлаш, уларни илмий салоҳияти юқори, мустақил фикрловчи мутахассислар этиб тайёрлашни устувор вазифа, деб биламиз. Илм-фан ва таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар эса талабаларнинг билим олиш даражасини кўтаришга, янги илмий излашиллар ва кашфиётларга ундайди. Ва ишонимизки, бундай имкониятлардан унумли фойдаланаётган ёшларнинг илмий излашиллари ва инновациялари янги Ўзбекистон тараққиётида халқ этувчи омил бўлиб хизмат қиладди.

Садоқат СИДДИҚОВА,
Бухоро давлат техника университети ректори.

Кеча Тошкент шаҳридаги «Пахтакор» ва «Ёшлик» спорт залларида кадетлар ёш тоифасидаги қиличбозлар ўртасида Осиё кубоғи мусобақасига старт берилди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси кузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 942. 10 804 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетани ҳақиқати маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган қўламлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — С. Мамиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.40 Топширилди — 00.00 1 2 3 4 5 6